Судья:П.Умирзаков Маърузачи: А.Очилов.

# А Ж Р И М № 2-2-448

2003 йил июль ойининг 14 кунида жиноят ишлари буйича Фаргона вилоят суди апелляция судлов хайъатининг суд мажлиси булиб, раислик этувчи: К.Аматохунов хайъат аъзолари: Р.Сайдахмедов, А.Очиловларнинг таркибида, Н.Боймуродованинг котибалигида, прокурор Ш.Кадировнинг иштирокида, жиноят ишлари буйича Риштон туман судининг 2003 йил 29 майда курган № 1-61-сонли жиноят иши юзасидан жабрланувчи М.Тожибоевани норози булиб келтирган шикояти иш материалларига кушиб курилаганда, куйидагилар

## А Н И К Л А Н Д И :

**Эргашев Рахимжон Позилович**, 12.03.1961 йилда Охунбобоев туманида тугилган, узбек Узбекистон Республикаси фукароси, оилалик, 4-нафар фарзадлари бор, маълумоти урта, депутат эмас, судланмаган, «хакикат» куп тармокли савдо ишлаб чикариш фирмасида ишчи булиб ишлаган, Охунбобоев тумани, Гиштмон К.Ф.Й, Хужалар махалласида яшаган, эхтиёт чораси очикда.

Узбекистон Республикаси Президентининг «Узбекистон Республикаси Мустакиллиги кабул килинганлигининг ун йиллиги муносабати билан амнистия тугрисида»ги 2001 йил 22 августдаги Фармонининг 6-моддасига асосан жиноят иши юритишдан тугатилган. Эхтиёт чораси бекор килиниб суд залидан камокдан озод килинган. ЖКнинг 96-моддасига асосан алкоголизмдан мажбурий тартибда тиббий йусинда даволаниш учун Фаргона вилоят Рухий касалликлар шифохонасига юборилган.

Жабрланувчи М.Тожибоева, И.Далиевларга етказилган зарарни фукаролик тартибида ундириш хукуки тушунтирилган.

Р.Эргашев 1999 йилдан 2000 йилгачи фукаро И.Далиевнинг 186000000 сумлик мулкларини фирибгарлик йули билан узлаштирган. М.Тожибоеванинг «хакикат» куп тармокли фирмасида моддий жавобгар шахс булиб ишлаб келиб, М.Тожибоеванинг 3049150 сумлик мулкини узлаштириш, 637950 сум мулкини фирибгарлик йули билан талон-тарож килган.

Жабрланувчи М.Тожибоева узининг апелляция шикоятида суднинг чикарган ажрими асоссиз ва конунга зид булганлиги сабабли бекор килишни сураган.

Иш буйича Вилоят судининг судьяси А.Очиловнинг маърузасини, прокурор Ш.Кодировнинг ажримни бекор килиш хакидаги хулосасини эшитиб, иш материалларини мухокама килиб куйидаги асосларга кура суднинг чикарган хукмини бекор килиш лозим.

Узбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 22 августдаги «Узбекистон Республикаси Мустакиллиги кабул килинганлигининг цн йиллиги муносабати амнистия тугрисида»ги Фармони 1-моддасининг «в» бандида «жазони уташга тускинлик киладиган огир касаликка чалинган шахслар» жазодан озод килиниши, ушбу «амнистия» фармонини куллаш хакидаги низомнинг 11-бандида эса, фармон кануний кучга киргунга кадар бир йилдан ошмаган муддат ичида жазони ижро этиш тиббий муассасаларини ёки яшаш жойларида сил касаллигига карши диспансерларнинг тиббий комиссиялари карорига асосан сил касаллигининг актив фармасига (1 ва 2 грух диспансер хисобидагилар) чалинган деб топилган шахслар жазодан озод килиниши курсатилган.

Суд, фармон ва низомнинг ушбу талабларига зид равишда Р.Эргашевга нисбатан тиббий комиссиянинг карори булмаган холда асоссиз равишда «амнистия» фармонини куллаб, ишни харкатдан тугатган. Фаргона вилоят 1-сонли сил кассаликлари шифохонасининг 2003 йил 28 майдаги маълумотномасини хам нотугри талкин килган. Маълумотномада Р.Эргашев 1998 йил 19 октябрдаги 1999 йил 21 майдаги стационар даволанишда булганлиги, кейин хеч каерда руйхатда турмаганлиги, даволаниш учун хеч каерга мурожат килмаганлиги курсатилган.

Суд, Р.Эргашевга нисбатан «амнистия» фармонини куллашга уни олдин стационар даволанишда булганлигини асос килиб ишни юзаки, шошма-шошарлик ва конунга зид равишда хал килган.

Суднинг бу ажримини асосли ва конуний деб булмайди.

Юкоридагиларга кура, Узбекистон Республикаси ЖПКнинг 496, 497 ва 497 18-моддаларини куллаб, апелляция судлов хайъати

**А Ж Р И М  К И Л Д И :**

Жиноят ишлари буйича Риштон туман судининг 2003 йил 29 майдаги Эргашев Рахимжон Позиловичга нисбатан чикарган ажрими бекор килинсин.

Жиноят ишини янгитдан куриш учун жиноят ишлари буйича Кува туман судига юборилсин.

М.Тожибоеванинг келтирган апелляция шикояти каноатлантирилсин.

Раислик этувчи:- К.Аматохунов
Хайъат аъзолари:- 1. Р.Сайдахмедов
2. А.Очилов

Ажрим нусхаси аслига тўғри,
Жиноят ишлари бўйича
Фарғона вилоят судининг судьяси:- А.Очилов